

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**ЮСУПОВ АБДУРАШИД ХАМИДИЛЛАЕВИЧ**

**ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ ОПТОЭЛЕКТРОН АСБОБЛАР ҲАМДА  
ТРАНЗИСТОРЛАР КОМБИНАЦИЯСИ АСОСИДА ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

УДК: 621.382:669.782:681.7.08

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) of technical  
science**

**Юсупов Абдурашид Хамидуллаевич**

Яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда транзисторлар комбинацияси асосида қишлоқ хўжалиги қурилмаларини яратиш..... 3

**Юсупов Абдурашид Хамидуллаевич**

Создание сельскохозяйственных устройств на основе комбинации полупроводниковых оптоэлектронных приборов и транзисторов..... 23

**Yusupov Abdurashid Khamidillaevich**

Creation of agricultural devices based on a combination of semiconductor optoelectronic devices and transistors..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 47  
List of published works.....

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ**

**ЮСУПОВ АБДУРАШИД ХАМИДИЛЛАЕВИЧ**

**ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ ОПТОЭЛЕКТРОН АСБОБЛАР ҲАМДА  
ТРАНЗИСТОРЛАР КОМБИНАЦИЯСИ АСОСИДА ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар самаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/T2438 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (info@ispm.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Олимов Лутфиддин Оманович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қўлдашов Оббозжон Хоқимович**  
Техника фанлари доктори, доцент

**Нурдинова Розияхон Абдихаликовна**  
PhD (техника фанлари бўйича), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қорақолпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий - тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «02» 10 янв соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20 уй. Тел./факс: (371) 248-79-92; e-mail: info@ispm.uz)


Диссертация билан ЯЎМ ИТИ нинг Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (41 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20 уй. Тел./факс: (371) 248-79-92; e-mail: info@ispm.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «19» 10 да тарқатилди.  
(2022 йил «19» 10 даги 41 рақамли реестр баённомаси).

01.10.10



  
**Ш.Б. Утамурадова**  
Илмий даражалар берувчи  
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

  
**Ж.Ж. Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, PhD

  
**Н.А. Тургунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.-м.ф.д., доцент

Тошкент – 2022

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирги даврда жаҳон амалиётида яримўтказгичли тузилмалар ва оптоэлектрон асбобсозлик соҳаларида n-p-n ёки p-n-p турли транзисторлар ва ёруғлик чиқарувчи p-n-ўтишли тузилмалари кенг қўламда фойдаланиб келинмоқда. Улар орасида айниқса, электр сигналларини кучайтиришга мўлжалланган транзисторлар ҳамда оқ нур чиқарувчи диодлар ўз ўрнига эга. Бундай тузилмалар электр сигналларини бошқаришга мўлжалланган транзистор ва қурилмалар, самарадорлиги юқори бўлган ёруғлик нурлари чиқарувчи оптоэлектрон асбоблар ва уларнинг комбинациясига асосланган қурилмаларни ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида оқ нур чиқарувчи диод тузилмалари ҳамда юқори кучланишлар ҳосил қилишда база-эмиттер ва база-коллектор соҳаларида юз берувчи физик жараёнларни тадқиқ қилиш ва уларни бошқариш орқали оптоэлектрон асбоблар ва транзисторлар комбинациясига асосланган қурилмалар ишлаб чиқариш истикболли йўналишлардан ҳисобланади. Шу сабабдан яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ёруғлик нурларининг ҳаво ва сувли муҳитда тарқалиш қонуниятлари ва спектрал характеристикаларини тадқиқ қилиш; транзистор иш ҳолатида база-эмиттер ва база-коллектор соҳаларидаги физик жараёнларни ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада оптоэлектрон асбоблар ва транзисторларда юз берувчи физик жараёнларни бошқариш орқали уларнинг комбинациясига асосланган қурилмалар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда транзисторлар комбинацияси асосида иқтисодий соҳаларга мўлжалланган қурилмалар яратиш технологияларини ўрганиш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада ёруғлик чиқарувчи диод ёруғлик нурларининг турли муҳитларда тарқалиши ҳамда транзисторнинг база-эмиттер ва база-коллектор соҳаларидаги физик жараёнларни бошқариш усуллари ўрганиш ва уларни турли нурлатгичли қурилмаларга тадбиқ этишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда маҳаллий товарларнинг ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш»<sup>1</sup> вазибалари белгиланган. Мазкур йўналишда ёруғлик чиқарувчи диоднинг турли муҳитларда тарқалиши қонуниятлари ва транзисторнинг база-эмиттер ва база-коллектор соҳаларидаги физик жараёнларни бошқариш орқали яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда транзисторлар комбинацияси асосида иқтисодий соҳаларга мўлжалланган қурилмалар яратиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ 4947-сонли фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6159-сон “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш” тўғрисидаги Фармони, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши»нинг устувор йўналишига доир бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунга қадар оптоэлектрон асбоблар ва транзисторларнинг электрофизик ва фотоэлектрик характеристикалари ва уларда юз берувчи физик жараёнларни тадқиқ қилиш муаммолари қуйидаги илмий марказларда ўрганилган: Politecnico di Torino (Италия), Yonsei University (Корея), International Iberian Nanotechnology Laboratory (Португалия), Michigan Technological University (АҚШ), Ajou University (Корея), The University of Tokyo (Япония), Center for Emergent Matter Science (Япония), K L University (Хиндистон), University of Michigan (АҚШ), Parma University (Германия), Sana’a University (БАА), А.Ф. Иоффе номидаги Физика-техника институти, Россия ФАнинг микроструктуралар физикаси институти (Россия), Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон).

Н.Lee (Корея), Zhi Jiang (Япония), K.Swapna (Хиндистон), P.Bhattacharya (АҚШ), R.Fornari (Германия), A.Darwish (БАА), В.Н.Давыдовлар (Россия) яримўтказгичли оптоэлектрон қурилмаларнинг фойдали иш самарадорлигини ошириш, фотоэлектрик ва электрофизик характеристикаларини тадқиқ қилиш, интеграл микросхемаларда қўллаш устида илмий тадқиқотлар олиб боришган. Шунингдек G.Smestad, Н.Ris, А.Faraji қуёш батареялари ва оптоэлектрон қурилмаларнинг вольт-ампер характеристикаларини, S.Sabri, R.Malek, X.Kassmi лар InAs/GaAs нинг структуравий хусусиятларини оптоэлектрон қурилмаларга таъсирини ўрганишган. О.Сергиенко, В.Кононенко, И.Манак, Д.Ушаковлар оптоэлектрон қурилмаларнинг хусусиятларини, ва уларнинг иқтисодиёт соҳаларига тадбиқи, техника технологияларда қўллашнинг самарадорлигини ўрганишган. С.З. Зайнабидинов, А.Т. Мамадалимов, М.К. Баходирхонов, Х.К. Арипов, А.М. Қасимахунова, А.В. Каримов,

А.Тешабоевлар томонидан яримўтказгичли материаллар ва улар асосида p-n, n-p, p-n тузилмалар олиш, уларнинг электрофизик ва фотоэлектрик характеристикаларини тадқиқ қилишган, лекин оптоэлектрон асбоблар ва транзисторлар комбинацияси асосида юқори самарали, энергия тежамкор қишлоқ хўжалиги қурилмалари яратиш масалалари тўлиқ ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон машинасозлик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № БФЗ-003 «Киришмали вольттик эффектга асосланган яримўтказгич негизли микро ва наноўлчамли ноанъанавий ва муқобил энергия манбаларини яратиш» (2017-2020 йй.) ҳамда № UZB-Ind-2021-92 “Микро- ва наноўлчамли (грануллашган) яримўтказгичли термоэлектрик материалларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” (2021-2023 йй.) мавзусидаги тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** яримўтказгичли оптоэлектрон асбобларнинг ёруғлик нурларини ҳаво ва сувли муҳитда тарқалиш қонуниятлари ҳамда n-p-n тузилмали транзисторларни ўрганиш асосида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган қурилмаларни яратиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

турли нурлантргичларнинг ҳаво ва сувли муҳитда тарқалиш қонуниятлари ва спектрал характеристикаларини аниқлашнинг оптоэлектрон методларини ишлаб чиқиш;

оптоэлектрон методлар асосида нурлантргичларнинг ҳаво ва сувли муҳитда тарқалиш қонуниятлари ва спектрал характеристикаларини аниқлаш;

n-p-n тузилмали транзисторларининг иш ҳолатидаги ВАХ ўрганиш асосида юқори кучланишлар ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқиш;

яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда транзисторлар комбинацияси асосида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган қурилмалар яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида нурлантргичларнинг ҳаво ва сувли муҳитда тарқалиши қонуниятлари ҳамда n-p-n структурали транзисторларини ўрганиш олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** нурлантргичларнинг ҳаво ва сувли муҳитда тарқалиш қонуниятлари ҳамда n-p-n структурали транзисторларнинг характеристикаларини ўрганиш ва уларнинг комбинацияси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган қурилмалар яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Белгиланган вазифаларни ечиш учун қуйидаги усуллар қўлланилган: люксметр ҳамда кремнийли қуёш элементи асосида ёруғлик нурларини ҳаво ва сувли муҳитда тарқалиш қонуниятларини аниқлаш усуллари, транзисторнинг иш фаолиятида база-эмиттер ва база-коллектор ўтишларида ток ўтиш механизмлари вольт ампер характеристикани таҳлил қилишнинг замонавий усулларидан фойдаланилган. Ёруғлик нурларини тарқалиш қонуниятларини аниқлаш LX1330В маркали рақамли ёруғлик ўлчагич қурилмаси ёрдамида амалга оширилган, қурилманинг ўлчаш вақти

0,5секунд, ёруғлик кучининг ўлчаш кенглиги 0,1-200000 люкс, 0,01-20000FC, ўлчаш аниқлиги 0,1 люкс, ёруғлик қабул қилгичи – филтрли масофавия селенли фотодиод. Кремнийли қуёш элементи ёрдамида олинган фотокучланиш ва фототокни GDM-8245 универсал мультиметр ёрдамида ўлчанган. Қурилманинг ўзгармас кучланишда ўлчаш хатоси  $\pm 0,03\%$ , ўзгармас ток кучининг ўлчаш хатоси  $\pm 0,05\%$ , частота кенглиги 20Н дан 50 кН гача. Энергия самарадор юқори кучланиш олиш схемасини олишда, транзисторнинг характеристикаларини температурага боғлиқлигини ўлчашда RIGOL DS1102Z-E маркали оциллографдан фойдаланилган. Қурилманинг тармоқ кенглиги 100МН, икки каналли, ишга тушириш узоклиги 8нс – 10с оралиқни ўз ичига олади. Сувдаги микроорганизмларнинг фаол ривожланишини таъминловчи оптимал ёруғлик манбаининг аниқлашдаги энг самарали, кремнийли қуёш элементи асосида сув муҳитида ёруғлик нурларини тарқалишини аниқлаш усулидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

нурлантиргичларнинг ёруғлик нурини сувли муҳитда тарқалиш қонуниятлари ва ёруғлик спектрини аниқлашнинг оптоэлектрон методи ишлаб чиқилган;

оптоэлектрон метод ёрдамида нурлантиргичларнинг фотоэлектрик характеристикаларини тадқиқ қилиш орқали сувли муҳит учун энг оптимал манба яримўтказгичли ёруғлик диоди эканлиги асослантирилган;

n-p-n тузилмали транзисторлар асосида юқори кучланишлар ҳосил қилишнинг соддалаштирилган схемаси таклиф қилинган бўлиб, иш ҳолатида тўғри ўтиш режимида транзистор  $T \sim 25 \div 150^\circ\text{C}$  ҳарорат оралиқларида қизиши билан p-n ўтишлар токининг ҳарорат коэффиценти 600 мкА дан 94 мкА гача камайиши ҳамда тесқари ўтиш режимида токнинг ҳарорат коэффиценти  $\alpha_1$  0,5 дан нолга интилиши аниқланган;

n-p-n тузилмали транзисторнинг иш ҳолатидаги тўғри ўтиш режимида  $T \sim 25 \div 150^\circ\text{C}$  ҳарорат оралиғида қизиши билан ( $\varepsilon_U$ ) база-эмиттер соҳа учун p-n ўтиш кучланишининг ҳарорат коэффиценти 2,2 мВ/°С дан 1,3 мВ/°С гача, база-коллектор соҳа учун 1,3 мВ/°С дан 0,6 мВ/°С гача чизиқли камайиши ҳамда тесқари ўтиш режимида база-эмиттер ва база-коллектор соҳаларидаги кучланиш ортиши аниқланган;

яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда n-p-n тузилмали транзисторлар комбинацияси асосида балиқчилик ёритиш қурилмаси ва зараркунанда ҳашоратларга қарши курашга мўлжалланган биофизик тутқичлар конструкцияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кремнийли қуёш элементи ёрдамида сувли муҳитдаги ёруғлик нурининг тарқалиш қонуниятлари ва спектрал характеристикаларини ўрганиш методлари ишлаб чиқилган бўлиб, оптоэлектрон асбобсозлик ривожланишида муҳим аҳамият касб этган;

p-p-n тузилмали транзисторлар иш ҳолатида тўғри ўтиш режимида база-эмиттер ва база-коллектор ўтишларида кучланишининг ҳарорат коэффиценти чизиқли ўзгариши ҳароратни ўлчаш параметри сифатида фойдаланиш имконини беради;

p-p-n тузилмали транзисторлар иш ҳолатида тўғри ўтиш режимида транзистор p-n ўтишлари токи ва унинг ҳарорат коэффиценти ўзгариш табиати уни тебранишларни ҳосил қилиш ва кучайтиришда, шунингдек ўзгарувчан схемаларда фойдаланиш имконини бериши аниқланган;

яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда транзистор комбинацияси асосида қишлоқ хўжалиги зараркунанда ҳашоратларга қарши кураш қурилмаси ишлаб чиқилган;

яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда транзистор комбинацияси асосида балиқчилик ёритиш қурилмаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** оптоэлектрон асбоблар ва электр сигналларини кучайтириш транзисторларининг электрик ва оптик характеристикалари ва параметрларини текширишда стандарт ва кенг қўлланиладиган замонавий илмий ва технологик методлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Натижа ва хулосалар физикавий тасаввурларга асосланган назарий ва экспериментал натижалар билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ёруғлик нурларини ҳаво ва сувли муҳитда тарқалиш қонуниятлари ҳамда электр сигналларини кучайтириш транзистор ўтишлари вольт-ампер характеристикаси база-эмиттер ва база-коллектор ўтишларининг физик параметрларига боғлиқлиги ҳақида кенгроқ тасаввур этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ва электр сигналларини кучайтириш транзисторлари комбинацияси асосида қишлоқ хўжалиги зараркунанда ҳашоратларига қарши кураш, балиқчилик тармоғи учун балиқларни табиий озуқа билан таъминлаш ҳамда сув ҳавзасидаги балиқ личинкалари, бентослар, детритлар ва сув ўтларини жадал ривожланишини таъминлаш имконига эга энергия тежамкор қурилмалари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этиш таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:**

яримўтказгичли оптоэлектрон асбобларнинг ёруғлик нурларини ҳаво ва сувли муҳитда тарқалиш қонуниятлари ҳамда p-p-n тузилмали транзисторларни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёруғлик нурларининг ҳаво ва сув муҳитида тарқалиш қонуниятлари ва спектрал характеристикасини ўрганишда қўлланилган оптоэлектрон метод ҳамда олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси Тожикистон энергетика институтининг “Кучли электроника” лабораториясида (Тожикистон энергетика институтининг 21.11.2021 йилдаги №431/11-21-сон маълумотномаси) ҳамда “Академик Б.Ғофуров номидаги Хўжанд давлат

университети” Аниқ ва табиий фанлар Илмий-тадқиқот институтида (“Академик Б.Ғофуров номидаги Хўжанд давлат университети” Тожикистон Республикаси Илм ва фан давлат таълими муассасасининг 05.11.2021 йилдаги №01-17710-сон маълумотномаси) ёруғлик нурларининг ҳаво ва турли сув муҳитларида тарқалишининг спектрал характеристикаларини ҳамда куч транзисторларининг характеристикаларини ўрганишда қўлланилган. Илмий натижалар ва оптоэлектрон методдан фойдаланиш ёруғлик нурларининг ҳаво ва сув муҳитида тарқалиши қонуниятлари ва спектрал характеристикаларини ҳамда куч транзисторларининг характеристикаларини ўрганиш имконини берган;

ёруғлик нурларининг ҳаво ва сув муҳитида тарқалиш қонуниятлари ва спектрал характеристикасини ўрганишда олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси “Яримўтказгичлар ва уларнинг наноструктураларида фотонли кинетик самараларнинг назарий тадқиқи” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида (ОТ-Ф2-66 лойиҳа раҳбари ф.-м.ф.д., профессор Р.Я. Расуловнинг 17.11.2021 йилдаги №01-3626-сон маълумотномаси) ёруғлик нурларини турли муҳитларда тарқалиш қонуниятлари ва спектрал характеристикаларини ҳамда р-п ўтишларнинг характеристикаларини тадқиқ қилишда қўлланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш ёруғлик нурларининг конденсирланган муҳитларда тарқалиш қонуниятлари ва спектрал характеристикаларини ҳамда р-п ўтишларда кучланиш ва ток кучининг ҳарорат коэффициентларининг назариясини ишлаб чиқиш ва моделлаштириш имконини берган;

оқ ёруғлик нури чиқарувчи диод ҳамда транзистор комбинациясига асосланган “Зарарли учар ҳашоратларга қарши кураш қурилмаси” ишлаб чиқилган ва унга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти (Patent Uz FAP 01356, 31.01.2019) олинган. Ишлаб чиқилган қурилма қишлоқ хўжалиги зараркунанда учар ҳашоратларга қарши самарали ва уйғунлашган кураш чораларини жорий этишнинг экологик жиҳатдан соф тизимини яратиш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда маъруза ва муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар 15 та илмий ишда, улардан 7 таси диссертация ишларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда, шу жумладан 5 та мақола хорижий халқаро журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 50 та расм, 4 та жадвални ўз ичига олган ҳолда, 120 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ҳолати ва яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда транзисторларнинг функционал характеристикалари”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича батафсил адабиётлар шарҳи қилинган. Яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ва транзисторларнинг электрофизик ва фотоэлектрик характеристикаларини тадқиқ қилиш бўйича оригинал илмий мақолалар ва патент маълумотларини таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Бундан ташқари ушбу бобда, яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда транзисторлар асосидаги қурилмаларнинг иқтисодиёт соҳаларига тадбиқ қилиш муаммолари таҳлил қилинган. Хусусан, яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда транзистор комбинацияси асосида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган қурилмалар яратиш орқали зарарқунанда учар ҳашоратларга қарши кураш, балиқчилик соҳасининг табиий озуқа (учар ҳашоратлар) базасини оширишнинг самарали ва уйғунлашган, экологик жиҳатдан соф тизимини яратиш муаммолари очиб берилган. Улар асосида мавзу муаммосининг қўйилиши асосланган. Мавжуд маълумотларнинг назарий ва экспериментал таҳлили натижасида тадқиқот мақсади ва вазифаларининг қўйилиши шакллантирилган.


Диссертациянинг **“Яримўтказгичли оптоэлектрон нурлантиргичларнинг ҳаво ва сувли муҳитда тарқалиш қонуниятлари”** деб номланган иккинчи бобида турли оптик нурланиш манбалари ёруғлик нурларининг ҳаво ва сув муҳитида тарқалишга оид амалий тадқиқотлар ўтказилди. Турли нурлатгичларнинг ҳаво ва сувли муҳитда тарқалиш қонуниятлари ҳамда спектрал характеристикаларини ўрганишда олинган тадқиқот натижалари келтирилган. Икки муҳит чегарасида, масалан, ҳаво муҳитидан сувли муҳитга ўтганда ёруғлик нурлари тўлқин узунлиги қисқа



**1-расм. Опто жуфтларнинг ҳаво муҳитида нурларнинг тарқалиш спектрини аниқлаш.**

тўлқин узунлик томонга ўзгаради. Шунинг учун ҳисобга олган ҳолда,  $h$  масофадаги ёруғлик нурлари оқимини назорат қилиш учун кремнийли қуёш элементи ҳамда люксметрлардан фойдаланилди. Қуёш элементида ҳосил бўлган ток ва кучланиш GDM-8245 универсал мультиметр ҳамда ёритилиши LX1330В русумли люксметр ёрдамида ўлчанди. Тадқиқотлар очик ҳаво ҳамда сув муҳитида олиб борилди. Нурлантиргичлар сифатида ёруғлик оқими бир хил 1200 lm бўлган, хусусан, оқ нурли ёруғлик чиқарувчи яримўтказгичли диод, люминесцент ва чўғланма лампалар танлаб олинди (1-расм).

2-расмда кремнийли қуёш элементи ҳамда 3-расмда люксметр ёрдамида олинган натижалар келтирилган. Кремнийли қуёш элементи ёрдамида олинган натижалардан кўринадики, чўғланма лампанинг ҳаво муҳитида ёруғлик тарқатиш қобилияти бошқа турдаги ёритгичларга нисбатан сезиларли даражада юқори (2-расм, 3 чизиқ). Маълумки, кремнийли қуёш элементи максимал ёруғлик спектрал сезгирлиги  $\lambda=660\div 880$  нм, инфра қизил нур тўлқин узунлигига тўғри келади. Чўғланма лампа спирали қизиши ҳисобига ундан инфра қизил нурлар тарқалади. Шунинг учун кремнийли қуёш элементи бошқа турдаги ёритгичлардан тарқалаётган оқ нурга нисбатан чўғланма лампанинг инфра қизил нурини кучлироқ сезади. Бунга аниқлик киритиш учун люксметр ёрдамида олинган натижаларни кўриб чиқайлик.




2-расм. Опто жуфтларнинг ҳаво муҳитида фотокучланиш (а) ва фототокнинг (б) нинг  $h$  га боғлиқлиги: 1 – ёруғлик чиқарувчи диод, 2 – люминесцент, 3 – чўғланма лампа.

Маълумки, люксметр оптик нурланиш манбаларининг ёруғлик тарқатиш қобилиятларини ўлчовчи асосий қурилмалардан бири ҳисобланади. Шунини ҳисобга олганда люксметр ёрдамида олинган натижалар ишончлироқдир. Люксметр ёрдамида олинган натижалардан кўринадикки, оқ нурли ёруғлик чиқарувчи яримўтказгичли диоднинг ҳаво муҳитида ёруғлик тарқатиш қобилияти бошқа турдаги ёритгичларга нисбатан сезиларли даражада юқорилиги аниқланди (2-расм, 1 чизик).


Люксметр ёрдамида олинган натижалардан кўринадикки, ҳаво муҳитида ёритгичлар сифатида фойдаланишда оқ нурли ёруғлик чиқарувчи яримўтказгичли диод ёруғлик тарқатиш қобилияти ва энергия тежамкорлиги билан афзал оптик нурланиш манбаси эканлигидан далолат беради (3-расм).

4-расмда ҳаво муҳитидан сувли муҳитга ўтгандаги ёруғлик нурлар оқимининг характеристикаларини аниқлаш методининг соддалаштирилган схемаси ҳамда 5-расмда қуёш элементи фототоки ( $I$ ) ва кучланиши ( $U$ )нинг  $h$  га боғлиқлиги тасвирланган.


Таъкидлаш жоизки, ёритгичлар сув сатҳидан 1 метр баландликка жойлаштирилган, сувли муҳит баландлиги эса 3 метрни ташкил қилади. Демак, натижаларнинг  $h \leq 1$  метр ҳолати ҳаво муҳитига, қолган қисми сувли муҳитга тўғри келади. Юқоридаги сингари  $h \leq 1$  метр ҳаво муҳитида чўғланма лампа натижалари бошқа турдаги натижалардан юқори бўлиб, сувли муҳитга ўтганда унинг ёритганлиги сезиларли даражада камайиши (3 чизик), аксинча, оқ нурли ёруғлик чиқарувчи яримўтказгичли диод бўйича олинган натижа сезиларли даражада юқори бўлиши аниқланди (1 чизик).



3-расм. Ёруғлик оқимининг  $h$  га боғлиқлиги: 1 – ёруғлик чиқарувчи диод, 2 – люминесцент, 3 – чўғланма лампа.



4-расм. Опто жуфтларнинг сув муҳитида нурларнинг тарқалиш спектрини аниқлаш.




5-расм. Опто жуфтларнинг сувли муҳитда фототок (а) ва фотокучланишнинг (б)  $h$  га боғлиқлиги: 1 – ёруғлик чиқарувчи диод, 2 – люминесцент, 3 – чўғланма лампа.

Маълумки, сув ҳаводан 770 марта зичроқ бўлиб, ҳавога нисбатан юқори иссиқлик сиғимиغا эга, товуш тебранишини яхши ўтказди, бироқ ёруғлик оқимини сусайтиради. Яъни, сувли муҳитда ёруғлик нурининг сочилиш ( $k$ ), ютилиши ( $\sigma$ ) ва сусайиши ( $\epsilon$ ) кузатилади. Ёруғлик нури частотаси ўзгармайди, аксинча, тўлқин узунлиги қисқа тўлқин узунлик томонга ўзгаради. Масалан, сувли муҳитда ёруғлик нурларини катта миқдорда ютилиши ҳисобига чўғланма лампадан тарқалаётган инфрақизил нурлар тўлқин узунлиги 880 нм дан 476 нм гача камаяди (3 чизик). Худди шундай ҳолат бошқа турдаги ёритгичлар учун ҳам ўринлидир. Бироқ, оқ нурли ёруғлик чиқарувчи яримўтказгичли диодларнинг чиқараётган ёруғлик нури оқими деярли қуёш нури спектрига яқин ҳамда кенг спектр оралиғида бўлиб, сувли муҳитда турли тўлқин узунликдаги нурларга ажралади. Сувли муҳитда уларнинг асосий қисми  $\lambda > 660$  нм тўлқин узунлигига тўғри келади. Бу кремний асосли қуёш элементи учун етарли даражадаги спектрал ёруғликдир (4-расм).

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки,  $\lambda > 660$  нм тўлқин узунликдаги қизил ёки инфрақизил нурлар ҳаво ва сувли муҳитдаги ўсимликлар ва микроорганизмларнинг бир меъёردа ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Бундан кўринадики, оқ нурли ёруғлик чиқарувчи яримўтказгичли диод сув хавзаларидаги микроорганизмларнинг ривожланишида, балиқ ва балиқ личинкаларининг функционал тизимларининг ўсишида, уларни табиий озик-овқат базаси бўлган, сув ҳавзасида ўсадиган ўсимликлар, бактериялар, детритлар, бентосларнинг бир меъёрдa ривожланишида афзал оптик нурланиш манбаси эканлигидан далолат беради.

Диссертациянинг “**Юқори кучланиш ҳосил қилиш технологияси ва қурилманинг ишлаш сифатини ошириш**” деб номланган учинчи бобида яримўтказгичли транзисторларнинг характеристикаларини тадқиқ қилиш, улардан фойдаланиш масалаларининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Хусусан, электр сигналларини кучайтиришга мўлжалланган яримўтказгичли транзисторлар улар асосида юқори кучланишлар ҳосил қилиш, база-эмиттер ва база-коллектор ўтишлари вольт-ампер характеристикаларининг температурага боғлиқлиги амалий жиҳатдан тадқиқ қилинди.

6-расмда электр сигналларини кучайтириш транзистори ёрдамида юқори кучланишлар ҳосил қилиш электр схемаси келтирилган. Ўзгармас ток манбаидан берилган кириш кучланиши 6 В, ток кучи 4 А га тенг. Транзистордан ўтган ток оқимининг қиймати манба-эмиттер 2,4 А, коллектор-чўлғам 1,9 А, база-чўлғам 0,55 А, манба-чўлғам 2,56 А ни ташкил этади. Транзисторнинг иш бажарув коллектор-эмиттер оралиғидаги ўзгармас кучланиши 0,5 В, ўзгарувчан кучланиш 2,2 В, база-эмиттер орасидаги ўзгармас кучланиш 0,79 В, ўзгарувчан кучланиш эса 0,42 Вга тенг. Трансформатор биринчи чўлғам диаметри 50 мм<sup>2</sup> бўлган мис сим, ўрамлари сони 50 та бўлган икки ўрамдан иборат. Иккинчи чўлғамнинг диаметри 30 мм<sup>2</sup> бўлган мис сим, ўрамлари сони 1950 та. Электр схема манбага уланганда трансформаторнинг иккиламчи чўлғамда ток кучи жуда ҳам кичик бўлган ~3000 вольтли юқори кучланиш ҳосил бўлиши ва маълум вақтдан сўнг транзисторнинг қизиши кузатилди. Қизишни олдини олиш учун совутиш радиаторидан фойдаланилди. Бироқ, узок муддат, 10 соат атрофида ишлаганда транзисторда қисман қизиш жараёни аниқланди. Буларга боғлиқ ҳолда, транзистор иш режимидаги база-эмиттер ва база-коллектор ўтишлари вольт-ампер характеристикаларининг температурага боғлиқлиги ўрганилди.




**6-расм. KTD 718 русумли транзистори ёрдамида юқори кучланилар ҳосил қилиш электр схемаси.**

7-расмда турли температураларда база-эмиттер (a) ва база-коллектор (b) соҳаларидаги тўғри йўналиши ток кучининг кучланишга боғлиқлиги тасвирланган. Ҳар икки ҳолда ҳам температура ортиши билан p-n – ўтишда кучланиш (U)нинг чап томонга параллел равишда силжишини кўришимиз мумкин.

Токнинг кучланишга боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$I_{p-n} = I_0 \exp \frac{qU - \Delta W}{kT} \quad (1)$$

Бу ерда,  $I_0$  – иссиқлик токи,  $q$  – электрон заряди,  $k$  – Больцман доимийси,  $T$  – температура,  $\Delta W$  – база қалинлиги.



7-расм. Турли температураларда база-эмиттер (a) ва база-коллектор (b) соҳадаги тўғри йўналиши ток кучининг кучланишга боғлиқлиги: 1 – 25°C, 2 – 35°C, 3 – 50°C, 4 – 65°C, 5 – 75°C, 6 – 100°C, 7 – 150°C.

Ҳар икки ҳолда ҳам температура билан  $I_0$  ортиши ҳисобига  $I_{p-n}$  ортади. Иш режимда  $qU < \Delta W$  кўрсаткич манфий бўлиб, температура ортиши билан  $I_{n-p}$  ортади. Бу ҳолда,  $I_{p-n}$  учун транзисторнинг кириш характеристикалари  $\Delta U = 1 \div 2 \text{ мВ/}^{\circ}\text{C}$  қиймат билан чап томонга силжийди. Биз олган натижалар ушбу мулоҳазаларга тўғри келади. Бундай ҳолда, ўрганилаётган транзисторда ток учун кучланишнинг ҳарорат коэффициенти ( $\varepsilon_U$ ) қуйидагича бўлиб, диодли тузилмалардаги сингари  $\varepsilon_U \sim 2 \text{ мВ/}^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қилади.

$$\varepsilon_U = \frac{\Delta U}{\Delta T} \quad (2)$$

Бизнинг ҳолда,  $\varepsilon_U$  база-эмиттер соҳа учун  $2,2 \text{ мВ/}^{\circ}\text{C}$  дан  $1,3 \text{ мВ/}^{\circ}\text{C}$  гача база-коллектор соҳа учун  $1,3 \text{ мВ/}^{\circ}\text{C}$  дан  $0,6 \text{ мВ/}^{\circ}\text{C}$  гача чизикли камаяди. Ушбу режимда токнинг қийматини 10 мА дан юқори танланиши керак. Бунда ҳар икки ўтишда ҳам кучланиш пасайишининг температурага сезгирлиги ўзгармас қийматларни қабул қилади. Яъни, температура ортиши билан кучланиш чизикли камаяди, бу улардан температуранинг ўлчаш параметри сифатида фойдаланиш имкониятини бериши мумкин.

Аксари адабиётларда температура ортиши билан ток ва кучланиш боғлиқлиги чап томонга силжиши ҳақида фикр юритилган. Шу нуқтаи назардан, кремний асосли транзистор база-коллектор ўтишида тўғри йўналиши токнинг температурага боғлиқлигини синчиклаб ўрганиш қизиқиш уйғотади.

7-расмда база-эмиттер (a') ва база-коллектор (b') соҳалари учун  $I_{p-n}$  максимал қийматининг температурага боғлиқлиги (1 чизик) тасвирланган. Расмдан кўринадики, уларнинг температурага боғлиқлиги бир-биридан фарк қилади. Масалан, база-эмиттер соҳаси учун  $I_{p-n}$   $T \sim 25 \div 45^{\circ}\text{C}$ ,  $T \sim 60 \div 65^{\circ}\text{C}$  ҳамда  $T \geq 100^{\circ}\text{C}$  да турғун ўзгарса,  $T \sim 45 \div 60^{\circ}\text{C}$ ,  $T \sim 65 \div 100^{\circ}\text{C}$  да бирдан ортади. База-коллектор соҳаси учун  $I_{p-n}$  ноодатий масалан,  $T \sim 60^{\circ}\text{C}$  гача камайиб (a-b),  $T \sim 60 \div 85^{\circ}\text{C}$  да қайта ортади (b-c), ва  $T \geq 85^{\circ}\text{C}$  да турғун (c-d) ўзгаради.  $I_{p-n}$  нинг бундай ноодатий ўзгаришини баҳолаш учун токнинг температуравий коэффициенти  $\alpha_I = \Delta I / \Delta T$  аниқланди (2 чизик). Кўринадики, база-эмиттер соҳаси учун  $\alpha_I$  температурага экспоненциал равишда ўзгаради. База-коллектор

соҳаси учун эса  $T \leq 85$  °C да  $\alpha_I$  нинг ўзгариши ( $a-c$ ),  $I_{p-n}$  нинг температурага боғлиқлигига мос келади. Яъни  $T \leq 60$ °C да  $\alpha_I$  нинг камайиши  $I_{p-n}$  нинг камайишига,  $T \sim 60 \div 85$  °C да қайта ортиши  $I_{p-n}$  нинг ҳам ортишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, p-n тузилма ёки транзисторларининг айрим хусусиятлари ўтишларнинг физик параметрларига боғлиқ бўлиб, ток ўтишининг температура коэффициентидан ташқари ўтишларнинг дифференциал қаршилигини ҳам ўз ичига олади. У кичик қийматга эга бўлишига қарамай температурага мос ҳолда ўзгариб туради. Шунингдек, температура ортиши билан база-эмиттер ва база-коллектор соҳаларидаги ўтишларда потенциал тўсиқ баландлиги камаяди, электрон-ковак жуфтликлари ҳосил бўлиши ортади, заряд ташувчиларнинг энергия бўйича тақсимоли ўзгаради (масалан, электронлар ўтказувчанлик зонасида нисбатан юқорида энергетик сатҳларни эгаллайди), бу ўз навбатида дифференциал қаршилиқнинг камайишига олиб келади. Бу ҳар икки ҳол учун муайян температура оралиқларида токнинг ортишига олиб келади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки,  $p$  ва  $n$  соҳаларда ҳосил бўлаётган электрон-ковак жуфтликлари ортишига қарамасдан, маълум бир температура оралиқларида кристалл панжаранинг иссиқлик тебраниши ортиши ҳисобига заряд ташувчилар ҳаракатчанлиги камаяди. Бунда дифференциал қаршилиқ ортади, бу база-эмиттер ва база-коллектор соҳаларида  $I_{p-n}$  нинг турғун ўзгаришига ёки база-коллектор соҳаси учун  $T \leq 60$  °C да  $I_{p-n}$  нинг ( $a-b$ ) камайишига олиб келади.

Кўриб ўтилган p-n – ўтишларда токнинг маълум диапазонидаги ноодатий ўзгариши уни тебранишларни ҳосил қилиш ва кучайтиришда, шунингдек ўзгарувчан схемаларда ишлатиш имконини бериши мумкин.


База-эмиттер ва база-коллектор соҳаларининг тескари режимидаги характеристикалари ҳам ўрганилди. Белгиланган температураларда ҳар икки ҳолдаги p-n – ўтишларнинг тескари режимида кучланиш ортиши билан ток ўзгармаслиги кузатилди (8-расм).

Таъкидлаш жоизки, кўп ишларда, база-коллектор p-n – ўтиши тескари токининг температура сезгирлиги кузатилган. Бироқ, бизнинг ҳолда,  $25 \div 150$  °C да, база-коллектор p-n – ўтиши тескари токи кучланишининг кичик (1 В кичик) қийматларида қисман ортади, сўнгра кучланиш ортиши билан ток ортиши деярли сезилмайди. Яъни, температура  $25$ °C дан  $150$ °C гача ортганда ток ўзгармайди,  $\alpha_I$   $0,5$  дан нолга интилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу хусусият транзистор база-эмиттер ёки база-коллектор p-n – ўтишларининг физик параметрларига боғлиқ бўлиши мумкин. Яъни, температура таъсирида  $p$  ва  $n$  соҳаларда электрон-ковак жуфтликларининг ортишига қарамасдан p-n – ўтишлар соҳасида потенциал тўсиқ баландлиги ҳамда дифференциал қаршилиги ортади. Бунда  $\alpha_I$  нолга интилади ва тескари ток ўзгармайди.


База-эмиттер ёки база-коллектор р-п – ўтишлари тескари режимида ўтишлар токни чекловчи вазифасини бажаради (8-расм), тўғри уланиш режимида эса температура ортиши билан ток чизикли равишда камаяди. Бу жараёнлар биргаликда база-эмиттер ёки база-коллектор р-п – ўтишлари вольт-ампер характеристикасини ҳосил қилади.

9-расмда электр сигналларини кучайтириш яримўтказгич транзистори ёрдамида юқори кучланишлар ҳосил қилиш электр схемасининг MATLAB (SPS) тизимидаги математик модели ҳамда кириш ва чиқишда ҳосил бўлган кучланишларнинг оцилограммалари келтирилган.


10-расмда юқори кучланиш ҳосил қилишда электр схемада фойдаланилган KTD718 русумли транзисторнинг MATLAB (SPS) тизимидаги база-коллектор ва эмиттер-коллектор кириш чиқиш частоталарининг оцилограммалари келтирилган.



8-расм. Турли температура-ларда база-коллектор тескари режимидаги токнинг кучланишга боғлиқлиги: 1 – 30°C, 2 – 50°C, 3 – 75°C, 4 – 100°C, 5 – 150°C.



9-расм. Электр сигналларини кучайтириш яримўтказгич транзистори ёрдамида юқори кучланишлар ҳосил қилиш электр схемасининг MATLAB (SPS) тизимидаги математик модели ҳамда кириш ва чиқишда ҳосил бўлган кучланишларнинг оцилограммалари




**10-расмда юқори кучланиш ҳосил қилишда электр схемада фойдаланилган KTD718 русумли транзисторнинг MATLAB (SPS) тизимидаги база-коллектор ва эмитер-коллектор кириш чиқиш частоталарининг осциллограммалари**

Шундай қилиб, температура ортиши билан белгиланган тоқларда кучланишнинг камайиши уни температурани ўлчаш учун параметр сифатида ишлатишга имкон беради, маълум температура оралиқларида тўғри йўналиш тоқининг ноодатий табиати уни тебранишларни ҳосил қилиш ва кучайтиришда, шунингдек ўзгарувчан схемаларда ишлатишга имкон беради.

Диссертациянинг **“Яримўтказгичли асбоблар асосида қишлоқ хўжалиги қурилмалари яратиш муаммолари ва ечимлари”** деб номланган тўртинчи бобида илмий асосланган усулларни ва интенсив технологияларини иқтисодиёт соҳаларига жорий қилиш масалалари ҳал қилинган. Оптоэлектрон асбоблар асосида турли нурлатгичлар, масалан биофизик қурилмалар яратишда унинг қўлланилиш соҳаси ва имкониятларини аниқлаш талаб этилади. Тадқиқотлар олиб бориш учун нурлатгич сифатида оқ нурли ёруғлик чиқарувчи яримўтказгичли диод ҳамда турли рангдаги полимер ҳамда ўзидан ёруғликни ўтказувчи оқ рангли метариаллар танлаб олинди.


11-расмда зараркунанда ҳашоратларга қарши курашга мўлжалланган оптоэлектрон асбоблар асосидаги энергия тежамкор биофизик қурилмаси тасвирланган. Қурилманинг оптик нурланиш манбаи сифатида оқ ёруғлик нури чиқарувчи яримўтказгичли диодли (1 – Led) лампа қўлланилган бўлиб, у остки юзаси қирмизи рангли қалпоқ ҳамда сариқ рангли ванна ўртасига жойлашган. Иш режимида қалпоқ остки ҳамда ванна юзасига тушиб қайтган нурлар оптик нурланиш манбаи нурлари билан ўзаро аралашмаси товланган ҳолда атрофга тарқалиши таъминланди. Бу билан учиб юрувчи ҳашоратларни ўзига жалб қилиши аниқланди. Ванна сиртига юқори кучланишли сетка кўринишидаги қирувчи мослама унинг остига жинсий феромон жойлашган бўлиб, у тузоқ вазифасини бажаради. Феромонлар ёруғликка келган зараркунанда ҳашоратларни ўзига жалб қилиб, юқори кучланишли тўрли тўсиқда ҳашоратлар яқсон бўлади ва тирқиш орқали қопга тушади. Тадқиқотларда фойдали ҳашоратларга умуман зарар етмаслиги аниқланди. Юқори кучланиш ҳосил қилиш технологияси б-расмдаги электр схемага

асосланган ҳолда ишлайди. Битта қурилманинг таъсир доираси 300 м<sup>2</sup> дан 1 гектаргачадир.



11-расм. Оптоэлектрон асбоблар асосидаги биофизик тутқич қурилмаси.

12-расмда балиқчилик учун мўлжалланган оптик электрон асбоблар асосидаги энергия тежамкор ёритгичнинг соддалаштирилган схемаси тасвирланган. Балиқчилик учун мўлжалланган ёритгич қурилмасининг оптик нурланиш манбаи сифатида оқ шиша трубка ичига жойлашган оқ ёруғлик нури чиқарувчи чизикли яримўтказгичли диод қўлланилган.



12-расм. Балиқчилик учун мўлжалланган оптик электрон асбоблар асосидаги энергия тежамкор ёритгичнинг соддалаштирилган схемаси.

Қурилма вазифаси ва юқоридаги тадқиқот натижаларига кўра, барча қисмлари сариқ рангда бўлиб, ҳимоя қалпоғи (а расм), горизонтал шаклда тайёрланган диэлектрик асос (b расм), юқори кучланишли тўр шаклидаги ҳашоратларни шикастлаш воситаси, унинг ўртасига жойлашган оптик нурланиш манбаи ҳамда электр схема элементларидан иборат.

Ҳимоя қалпоғи турли ташқи таъсир ва ёғингарчиликдан сақлашга мўлжалланган бўлиб, икки томони вертикал тўсиқлар билан беркитилган (3)

ҳамда унга электросхема элементлари жойлаштирилган (2). Вертикал тўсиқнинг юқори қисмида симли (11) илгакка бириктирилиши қурилмани сув юзасининг исталган қисмида, исталган узунликда ўрнатиш ва фойдаланиш имконини бериши таъминланган. Диэлектрик асоснинг остки қисми очик, юқори қисми қалпоқ билан чегараланган. Унинг икки томонига шикастлаш воситаси ўрнатилган. Шикастлаш воситасини (III) шаклда ўрнатиш учун махсус тешик ва ўйиқлар ҳосил қилинган (7 ва 8), бу билан энергия сарфини камайтириш таъминланган. Бу қурилмада ҳам юқори кучланиш ҳосил қилиш технологияси 6-расмдаги электр схемага асосланган ҳолда ишлайди.

Шикастлаш воситасининг ўртасига энергия ресурс тежамкор оқ шиша трубка ичига жойлашган оқ ёруғлик нури чиқарувчи чизикли яримўтказгичли диод жойлаштирилган. Қурилма асосининг остки қисми очик ҳолда тайёрлаш билан оптик нурланиш манбаига интилган ва шикастлаш воситасида яқсон бўлган ҳашоратларни сув ҳавзасига тушиши таъминланган.

Қурилманинг ишлаш принципи содда бўлиб, юқоридаги тадқиқотлар асосида атрофга бир нечта спектрли нурларнинг тарқалишига асосланган. Қурилма қисмларидан ҳамда сув юзасидан синиб қайтган нурлар оптик нурланиш манбаи нурлари билан ўзаро аралашиб турли спектрлардан иборат нурларни товланиб тарқалиши таъминланган. Бу билан сув ҳавзаси атрофидаги ҳашоратларни ҳамда сув остидаги балиқларни кўпроқ жалб қилиш имконини беради.

Оқ нурли ёруғлик чиқарувчи диодларнинг ёруғлик нури табиий (куёш) ёруғлик нурларининг ёритиш интенсивлигига мос келиши, оптик нурланиш манбаининг горизонтал равишда чизикли ўзгармас ҳолатда жойлашиши, бу билан сув юзасига ўзгармас бурчак остида нурлар тушиши таъминланганлиги нурларни атроф ва сув ҳавзасига бир меъёрда сочилишига олиб келиши таъминланди. Қурилмани қўлланилиши сувнинг юқори сатҳидан 1 метрдан 2 метр баландлик оралиғида ўрнатилиши энг қулай ва оптимал баландлик бўлиши аниқланди. Бу сув остидаги балиқларни кўпроқ жалб қилишга, сувда ўсадиган ўсимликлар, бактериялар, детритлар, бентосларнинг бир меъёрда ривожланишига амалий ёрдам бериши таъминланди.

Қурилмага етиб келган, оптик нурланиш манбаига интилган ҳашоратлар шикастлаш воситасида нобуд бўлади ва улар қурилманинг остки очик қисми орқали сув ҳавзасига тушади. Бу билан балиқларнинг табиий озуқа, ҳашоратлар билан озикланиши таъминланади. Қурилманинг бундай оптоэлектрон асбоблар ёрдамида такомиллаштирилиши шу кунгача адабиётларда қайд этилмаган.

## ХУЛОСА

1. Оқ нурли ёруғлик чиқарувчи яримўтказгичли диоднинг ҳаво муҳитида ёруғлик тарқатиш қобилияти бошқа турдаги ёритгичларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлиши люксметр ёрдамида асосланган. Бу билан у ёруғлик тарқатиш қобилияти юқорилиги ва энергия тежамкорлиги билан ҳаво муҳитида ёритгичлар сифатида фойдаланишда афзал оптик нурланиш манбаси эканлиги кўрсатиб берилган.

2. Оқ нурли ёруғлик чиқарувчи яримўтказгичли диодларнинг ҳаво муҳитида ёруғлик тарқатиш қобилияти бошқа турдаги ёритгичларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлиши аниқланган бўлиб, сувли муҳитда турли тўлқин узунлиқдаги нурларга ажралиши ҳамда сувли муҳитда уларнинг асосий қисми  $\lambda > 660$  нм тўлқин узунлигига тўғри келиб, кремний асосли қуёш элементи учун етарли даражадаги спектрал ёруғлик бўлиши асосида тушунтирилган.

3. *p-n* тузилмали транзисторлар асосида юқори кучланишлар ҳосил қилишнинг соддалаштирилган схемаси таклиф қилинган бўлиб, иш ҳолатида тўғри ўтиш режимида транзистор  $T \sim 25 \div 150^\circ\text{C}$  ҳарорат оралиқларида қизиши билан *p-n* ўтишлар токининг ҳарорат коэффиценти 600 мкА дан 94 мкА гача камайиши ҳамда тескари ўтиш режимида токнинг ҳарорат коэффиценти  $\alpha_I$  0,5 дан нолга интилиши аниқланган.

4. *p-n* тузилмали транзисторлар иш ҳолатида тўғри ўтиш режимида транзистор  $T \sim 25 \div 150^\circ\text{C}$  ҳарорат оралиқларида қизиши билан *p-n* ўтишлар кучланишининг ҳарорат коэффиценти ( $\varepsilon_U$ ) база-эмиттер соҳа учун 2,2 мВ/°С дан 1,3 мВ/°С гача, база-коллектор соҳа учун 1,3 мВ/°С дан 0,6 мВ/°С гача чизиқли камайиши ҳамда тескари ўтиш режимида база-эмиттер ва база-коллектор соҳаларидаги кучланиш ортиши аниқланган.

5. Яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда *p-n* тузилмали транзисторлар комбинацияси асосида зараркунанда ҳашоратларга қарши кураш қурилмаси ишлаб чиқилган.

6. Яримўтказгичли оптоэлектрон асбоблар ҳамда *p-n* тузилмали транзисторлар комбинацияси асосида балиқчилик ёритиш қурилмаси ишлаб чиқилган.

7. Кремнийли қуёш элементи ёрдамида сувли муҳитда ёруғликни тарқалишини хусусан, нурлантиргичларнинг спектрал ёруғлик сезгирлигини аниқлашнинг ярим автомат методи ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM/Т.01.12  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ФИЗИКИ  
ПОЛУПРОВОДНИКОВ И МИКРОЭЛЕКТРОНИКИ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**ЮСУПОВ АБДУРАШИД ХАМИДИЛЛАЕВИЧ**

**СОЗДАНИЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ УСТРОЙСТВ НА  
ОСНОВЕ КОМБИНАЦИИ ПОЛУПРОВОДНИКОВЫХ  
ОПТОЭЛЕКТРОННЫХ ПРИБОРОВ И ТРАНЗИСТОРОВ**

**01.04.10 – Физика полупроводников**

**АВТОРЕФЕРАТА ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время транзисторы с n-p-n или p-n-p переходом и светоизлучающие структуры с p-n переходом широко используются в полупроводниковых структурах и промышленности оптоэлектронной аппаратуры. Среди них свое место занимают транзисторы и белые светодиоды, предназначенные для усиления электрических сигналов. Такие структуры важны при производстве транзисторов и устройств, предназначенных для управления электрическими сигналами, оптоэлектронных устройств, излучающих световые лучи с высокой эффективностью, и устройств на их основе.

Одним из перспективных направлений считается производство устройств на основе комбинации оптоэлектронных устройств и транзисторов путем исследования и управления физическими процессами, происходящими в зонах база-эмиттер и база-коллектор при формировании диодных структур белого света и высоких напряжений. По этой причине изучение закономерностей и спектральных характеристик распространения световых лучей в воздушной и водной среде полупроводниковых оптоэлектронных приборов; Проводятся научные исследования по изучению физических процессов в полях база-эмиттер и база-коллектор в рабочем состоянии транзистора. В связи с этим особое внимание уделяется созданию устройств на основе их комбинирования путем управления физическими процессами, происходящими в оптоэлектронных устройствах и транзисторах.

В нашей республике достигаются определенные результаты в изучении технологий создания приборов для отраслей народного хозяйства на основе сочетания полупроводниковых оптоэлектронных приборов и транзисторов. В связи с этим возрастает потребность в изучении методов управления физическими процессами в областях база-эмиттер и база-коллектор световых лучей светодиодов в различных средах и в применении их к различным излучающим устройствам. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены задачи «...освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»<sup>2</sup>. В этом направлении большое научное значение имеет создание устройств, предназначенных для хозяйственных сфер, на основе комбинации полупроводниковых оптоэлектронных приборов и транзисторов за счет управления физическими процессами в областях база-эмиттер и база-коллектор транзистора.

Постановление Президента Республики Узбекистан от 19.03.2021 г. № ПП-5032 «О мерах по повышению качества образования в области физики и развитию научных исследований», 03.02.2021 г. по обеспечению комплексной

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 07 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы».

интеграции образования, науки и производства в сельском хозяйстве, новое Постановление № ПФ-6159 «О дальнейшем развитии системы знаний и инноваций в сельском хозяйстве и предоставлении современных услуг» о внедрении научных разработок, Постановление № PQ-2939 от 01.05.2021 «О мерах по совершенствованию системы управления рыбным хозяйством», Постановления № ПП-4575 от 28.01.2020 г. «О мерах по реализации задач, поставленных в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» и изучения. Данная диссертационная работа в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в соответствующих нормативных актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики** Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологии Республики Узбекистан: III. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение, развитие современной электроники, микроэлектроники, электронного приборостроения.

**Степень изученности проблемы.** До настоящего времени исследования электрофизических и фотоэлектрических характеристик полупроводниково-оптоэлектронных устройств изучались в следующих научных центрах: Politecnico di Torino (Италия), Yonsei University (Корея), International Iberian Nanotechnology Laboratory (Португалия), Michigan Technological University (США), Ajou University (Корея), The University of Tokyo (Япония), Center for Emergent Matter Science (Япония), K L University (Индия), University of Michigan (США), Parma University (Германия), Sana'a University (ОАЭ), в Физико-техническом институте имени А.Ф. Иоффе, в Институте физики микроструктур РАН (Россия) и в Национальный университет Узбекистана, Ташкентский государственный технический университет (Узбекистан).

